



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 4 » noyabr № 644

Toshkent sh.

Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 16 майдаги ПҚ–244-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ–244-сон қарори билан тасдиқланган 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси наркология хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурининг 7-бандига мувофиқ **алкоголли мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини** ишлаб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларида Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари буйруғи асосида туманлараро тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини 10 ўрндан кам бўлмаган ҳолда ташкил қилиш;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилувчи мезонларни белгилаш;

алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келиш, қабул қилиш ва ёрдам кўрсатиш ҳамда чиқариб юбориш тартиби.

3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш туманлараро пунктларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда:

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг штат нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Миллий гвардия билан биргаликда тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ва ходимларининг туну-кун қўриқланишини таъминлаш чораларини кўрсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Ички ишлар вазирлиги жамоат жойларида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига етказилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ва ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда
мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахсларни (алкоголь ва бошқа психоактив моддалардан оғир заҳарланиш (хушсиз, кома) ҳолатлари бундан мустасно) ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига етказиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлиб, мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган ёки қаердалигини аниқ англаб етмайдиган шахслар (кейинги ўринларда – мастлик ҳолатидаги шахс) – психоактив моддалар таъсирида мастлик ҳолатидаги шахс;

наркологик касаллик (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик) – психоактив моддаларга патологик ружу қўйиш, улардан сурункали заҳарланишнинг психосоматик (руҳий ва жисмоний) ҳамда ижтимоий оқибатлари билан тавсифланадиган сурункали касаллик;

психоактив моддалар – марказий асаб тизимига ўзига хос таъсир кўрсатадиган, мунтазам равишда истеъмол қилганда руҳан ва жисмонан қарамликни юзага келтириши мумкин бўлган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий кимёвий моддалар;

психоактив моддалар таъсиридан мастлик ҳолатини аниқлаш учун шахсларни тиббий текширувдан ўтказиш – шахсларда мастлик ҳолатини аниқлашга қаратилган тиббий кўрик усуллари ва тиббий текширувлар мажмуи.

3. Мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари буйруқлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида камида 10 ўринли туманлараро тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари ташкил қилинади.

4. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ички режим ҳамда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кўриклаш бош бошқармасининг кўриклаш бўлинмалари ташкил этилади.

5. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари видеокузатув камералари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

6. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига кўчаларда, майдонларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, автомобиль йўлларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жамоат жойларида (яшаш жойидан олиб бориш бундан мустасно) бўлган мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб бориш учун қуйидаги мезонлар асос бўлади:

шахснинг мақсадли ҳаракатлар содир этиш ёки ўзи мустақил ҳаракатланиш қобилиятининг йўқотганлиги (бирор жойда ётган ёки ўтирган ҳолати);

шахснинг уйқучанлиги, уйғотишнинг қийинлиги;

шахснинг тикка ҳолатда мустақил тура олмаслиги;

нутқининг ноаниқ, тушунарсиз, ўзаро боғлиқ бўлмаган узук-юлук алоҳида сўзлардан ташкил топиши (ғўлдираши);

саволларни яхши тушунмаслиги, ўзининг қаердалигини аниқ англаб етмаслиги.

7. Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг асосий вазифалари

8. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

мастлик ҳолатидаги шахсларни хушёр ҳолатга келтириш бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш;

мастлик ҳолатидаги шахсларни кеча-кундуз қабул қилиш ва рўйхатини юритиш;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилинган шахсларни хавфсиз ва соғлиғига зиён етмайдиган шароитларда сақлаш;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахсларда бошқа йўналишдаги даволаш-профилактика муассасаларида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни талаб этувчи ҳолатлар (жароҳатлар, куйиш, инсульт, ички аъзолар функцияларининг яққол декомпенсацияси ва б.) аниқланган тақдирда, уларни тегишли даволаш-профилактика муассасасига юбориш;

мастлик ҳолатидаги шахсларни хушёр ҳолатга келгандан сўнг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларидан чиқариб юбориш;

мастлик ҳолатидаги шахс хушёр ҳолатга келгандан сўнг тиббий ёрдам кўрсатиш пунктдан чиқариб юбориш вақтида ундан вақтинча сақлаш учун олиб қўйилган буюмларини қайтариш.

3-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келиш

9. Мастлик ҳолатидаги шахслар ички ишлар органлари ходимлари томонидан аниқланади ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб борилади.

Бунда, ички ишлар ходими:

мастлик ҳолатидагиларнинг шахсини аниқлайди;

мастлик ҳолатидаги шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг, шунингдек уларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хавфнинг олдини олиш мақсадида уларга биринчи ёрдам кўрсатади;

зарурат туғилганда (мастлик ҳолатидаги шахснинг хушсизлиги, кома ҳолатидалиги, оғир тан жароҳати олганлиги ёки ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган бошқа ҳолатларда), улар аниқланган жойга зудлик билан тез тиббий ёрдам бригадасини чақиради;

тез ёрдам бригадасини келиш имкони бўлмаган тақдирда, юқорида кўрсатилган шахсларни тиббиёт муассасаларига ўз хизмат автомашиналарида етказиб боради, бу ҳақда ички ишлар ҳудудий органининг навбатчилик бўлимига хабар беради, навбатчининг кўрсатмаларига мувофиқ ҳаракат қилади;

мастлик ҳолатида бўлган шахсларнинг шахсий мулки хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради.

10. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари шароитида ёрдам кўрсатишга тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, мастлик ҳолатидаги шахсларни ушбу пунктларга ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат автомашиналарида етказишади. Уларнинг соғлиғига зарар етказилишини истисно этувчи, ушбу шахсларнинг ёнида бўлган ашёлар, ҳужжатлар ва қимматли буюмларнинг сақланишини таъминлаш чораларини кўради.

11. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келишдан олдин ички ишлар органлари ходимлари уларда ўзига ёки бошқа фуқароларга тан жароҳатлари етказиши мумкин бўлган совуқ қурол, шунингдек қурол сифатида ишлатилиши мумкин бўлган бошқа буюм (жисм)лар йўқлигига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Мастлик ҳолатидаги шахснинг ёнида совуқ қурол, гиёҳванд моддалар ва муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган буюмлар (жисмлар) аниқланган тақдирда, ушбу буюм (жисм)лар ички ишлар органлари ходими томонидан олиб қўйилади ҳамда бутун тиббий ёрдам кўрсатиш даври давомида ушбу шахснинг зарур қўриқланишини таъминлайди.

12. Мастлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг, унга нисбатан қонунчиликда белгиланган тегишли чоралар кўриш ва олиб қўйилган буюмлар (жисмлар) сақлаш, топшириш ёки йўқ қилиш масалаларини ҳал этиш учун ҳудудий туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)га топширилади.

4-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига қабул қилиш

13. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида ёрдам кўрсатиш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлса, ушбу шахсни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилиш тўғрисида навбатчи шифокор томонидан далолатнома тузилиб, тиббиёт ходими ва ички ишлар органи ходими томонидан имзоланади.

14. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг кийим-боши ва бошқа буюмлари ички ишлар органлари ходимлари томонидан тиббиёт ходимлари ва холислар иштирокида текширилади.

Текшириш мобайнида мастлик ҳолатидаги шахсдан унинг ёнидаги буюмлари далолатнома билан расмийлаштирилади ва вақтинча сақлаш учун олиб қўйилади. Бунда, мазкур буюмлар ҳар бир шахс учун алоҳида ячейкаси бўлган, рақамланган ва кулфланадиган махсус жиҳозланган шкафда сақланади.

15. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган барча шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки уни олиб келган ички ишлар органлари ходимларининг ёзма йўлланмаларида кўрсатилган маълумотларига кўра махсус тикилган, рақамланган, тиббиёт муассасаси раҳбари имзоси ва ташкилот муҳри босилган дафтарда қайд этилади.

16. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган шахс олиб келинганда, кўрик далолатномасида унинг алоҳида белгилари (чандиқлари, татиуровкалари, туғма доғлари ва бошқа) синчиклаб қайд қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари шахсни ташқи қиёфасини тузишда тиббиёт ходимларига ёрдам беради.

17. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахслар ушбу пунктларнинг хоналарига жойлаштирилади. Бунда эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар эса вояга етганлардан алоҳида сақланади.

18. Навбатчи тиббий ходимлар ички ишлар органлари ходимлари билан биргаликда олиб келинган шахсларнинг қариндошларига дарҳол хабар бериш чораларини кўради.

19. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган шахсларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда ёнғин хавфсизлиги фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади.

20. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида тегишли ички ишлар органлари, даволаш-профилактика муассасалари ходимлари билан алоқани йўлга қўйиш ҳамда олиб келинган шахсларнинг қариндошларига хабар бериш учун телефон аппарати ўрнатилади.

5-боб. Мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида тиббий ёрдам кўрсатиш

21. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам нарколог-шифокорлар ёки махсус тайёргарликдан ўтган шифокорлар ва бошқа тиббиёт ходимлари томонидан кўрсатилади.

22. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларининг шифокорлари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

23. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари врачлари томонидан тузиладиган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг соғлиғи ҳолатини текшириш натижалари далолатномасида қайд этилади ва ушбу далолатнома қатъий ҳисобот хужжати ҳисобланади.

24. Тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида олиб келинган шахсда бош мия жароҳатлари ёки бошқа оғир тан жароҳатлари, шунингдек яққол аён бўлган оғир ҳолатлар аниқланганда, тиббий ёрдам кўрсатиш пункти жойлашган муассасада тўлиқ ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатиш имкони бўлмаса, навбатчи шифокор томонидан ёрдам кўрсатиш ҳажми ёки бошқа даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш масаласи ҳал қилинади.

25. Тиббий ёрдамнинг кўрсатилиш ҳажми олиб келинган шахснинг аҳволидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартлари ва протоколларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида 12 соатгача бўлганда далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда – касаллик тарихи расмийлаштирилади. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида қўлланилиши зарур бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сарфланишини ҳисобга олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Тиббий ёрдам кўрсатилган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктидан чиқариш

27. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатилганидан ва хушёр ҳолатга келтирилганидан сўнг шифокор уни такроран тиббий кўрикдан ўтказди ва чиқариш мумкинлиги тўғрисида хулосани беради. Бунда, мастлик ҳолатидаги шахсни хушёр ҳолатга келтириш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги керак.

28. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни сутканинг тунги вақтида, яъни соат 23.00 дан 06.00 га қадар ёки йилнинг совуқ даврида чиқариб юбориш, уларнинг қариндошлари кузатуви остида амалга оширилади.

29. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга чиқариб юбориш давомида баённомага ёки касаллик тарихига имзо қўйдирган ҳолда олиб қўйилган ҳужжатлар, пуллар ва бошқа буюмлари қайтариб берилади.

7-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

30. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар:

шахсий хавфсизлиги таъминланган ва соғлиғига зиён етмайдиган шароитларда сақланишга, тегишли тиббий ёрдам олишга;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинганлиги тўғрисида қариндошлари ёки бошқа шахсларга хабар беришга;

ижтимоий-маиший шарт-шароитларга эга бўлиш ва қонунчиликда тақиқланмаган предмет ва буюмлардан фойдаланишга ҳақли.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мастлик ҳолатидаги шахслар тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида белгиланган тартибга риоя қилиши шарт.

8-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

31. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари:

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ҳудудида турган бошқа шахслардан тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимларининг хизмат мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни дарҳол тўхтатишни талаб қилиш, уларни бартараф этиш ва бу ҳақида дарҳол ички ишлар органларига мурожаат этишга;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан мастлик ҳолатидаги шахслардан тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланиш тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйилишида иштирок этишга ҳақли.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари:

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиши;

ўз ишини бажаришда тиббий этика ва деонтологияга амал қилиши;

ўзининг малакаси, лавозим йўриқномалари ва мажбуриятларига мувофиқ мастлик ҳолатидаги шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиши;

мастлик ҳолатида бўлган шахсларни қабул қилиш вақтида, уларда тан жароҳатлари аниқланган тақдирда, дарҳол ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига хабар бериши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартлари ва протоколларига амал қилиши;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахс ҳушёр ҳолатга келганидан сўнг уни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктдан чиқариб юбориши шарт.

Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктлари тиббиёт ходимлари ўз зиммасига қонунчилик ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

33. Тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида тиббиёт ходимлари соғлиғига зарар етказилиб, бу унинг меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотилишига сабаб бўлган тақдирда, шунингдек ногиронлик юз берганда ушбу шахсга, у вафот этган тақдирда эса унинг қонуний вакилига етказилган зарар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

9-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бўлинмалари нарядларининг вазифа ва мажбуриятлари

34. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари:

мастлик ҳолатида бўлган шахсларни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига қабул қилиш учун тиббиёт ходимлари кўриқдан ўтказаетган ва тиббий ёрдам кўрсатаётган вақтда жамоат тартибини таъминлайди;

мастлик ҳолатида бўлган шахслар томонидан агрессив хатти-ҳаракатлар билан қонунбузарлик ҳаракатлари содир этилган тақдирда, тегишли чоралар кўради;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ички, рухсат бериш режимларини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

қўриқланаётган объектлардаги мол-мулкни сақлаш шарт-шароитлари, муҳандислик-техник воситалар ҳолатини текширади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда жисмоний куч ишлатиш, ўқотар қурол ва махсус воситаларидан фойдаланиш чораларини кўради;

қўриқланаётган объект маъмуриятига, мансабдор шахсига объектни муҳандислик-техник мустаҳкамлигини таъминлаш, сигнализация тизимлари ва видеокузатув билан жиҳозлаш бўйича тақдимнома киритади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларидан мол-мулк, моддий бойликлар ва турли юкларни ноқонуний олиб чиқишга ёки олиб киришга уринаётган шахсларни ушлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўради, зарур ҳолларда эса тегишли қарор қабул қилиш учун уларни ҳудудий ички ишлар органларига топширади;

мастлик ҳолатидаги шахслардан хизмат вазифалари бажарилишига тўсқинлик қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва хатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилади, ушбу талаблар бажарилмаган тақдирда, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни қўллайди.

35. Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари:

хизматни ўташ жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириши;

қўриқланаётган объектда жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларининг сақланишини таъминлаши;

қўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш, уларни содир этишга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Қўриқлаш бўлинмалари нарядлари зиммасига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

10-боб. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини бошқариш

36. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига умумий раҳбарлик, улар ташкил этилган туман (шаҳар) тиббиёт муассасаларининг бош шифокори томонидан, пунктларга бевосита раҳбарлик эса ушбу пунктларда жорий этилган бўлим мудирлари томонидан амалга оширилади.

37. Бўлим мудирини ўз ваколатлари доирасида:

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига бевосита раҳбарлик қилади;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ваколати доирасига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда тиббий ёрдам кўрсатиш пункти зиммасига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида сақланаётган шахсларнинг кун тартибини тасдиқлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пунктининг иш режаларини тасдиқлайди;

тиббий ёрдам кўрсатиш пункти тиббиёт ходимлари учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бошқа лавозимга ўтказиш, шунингдек уларни рағбатлантириш ва уларга интизомий жазоларни қўллаш ҳақидаги таклифларни тегишли даволаш-профилактика муассасасининг бош шифокорига белгиланган тартибда тақдим этади.

Бўлим мудирини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-боб. Яқунловчи қоидалар

38. Тиббий ёрдам пунктларида мастлик ҳолатидаги шахслар учун ишлатилган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шунингдек тиббий ҳужжатлар ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

39. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан
ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган
шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби
тўғрисида низомга илова

**Алкоголь, гиёхвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда
мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ички ишлар органлари ходимлари	Кўчаларда, майдонларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, автомобиль йўлларида, вокзалларда, аэропортларда ва бошқа жамоат жойларида мастлик ҳолатидаги шахсларни аниқлайди ва тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларига олиб боради.	Мастлик ҳолатидаги шахс аниқланиши билан
2-босқич	Тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари ва ички ишлар органлари ходимлари	1. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсни тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига қабул қилиш тўғрисида навбатчи шифокор томонидан далолатнома тузилиб, тиббиёт ходими ва ички ишлар органи ходими томонидан имзоланади. 2. Мастлик ҳолатидаги шахсни махсус дафтарда қайд этади ва хонага жойлаштиради. 3. Мастлик ҳолатидаги шахснинг қариндошларига бу ҳақида дарҳол хабар бериш чораларини кўради.	Мастлик ҳолатидаги шахс олиб келинган вақтдан бошлаб
3-босқич	Тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари	1. Мастлик ҳолатидаги шахсни тиббий кўриқдан ўтказди ва мастлик ҳолатидаги шахсларнинг соғлиғи ҳолатини текшириш натижалари далолатномасини расмийлаштиради. 2. Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатиш пунктида 12 соатгача бўлганда далолатнома, 12 соатдан кўп вақт бўлганда ва тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда – касаллик тарихи расмийлаштирилади.	Мастлик ҳолатидаги шахс тиббиёт пункти хонасига жойлаштирилган вақтдан бошлаб
4-босқич	Тиббий ёрдам кўрсатиш пункти ходимлари	Мастлик ҳолатидаги шахс тиббий ёрдам кўрсатилганидан ва хушёр ҳолатга келтирилганидан сўнг шифокор уни такроран тиббий кўриқдан ўтказди ва чиқариш мумкинлиги тўғрисида хулосани беради. Бунда, мастлик ҳолатидаги шахсни хушёр ҳолатга келтириш муддати 3 соатдан кам бўлмаслиги керак. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсларни сутканинг тунги вақтида, яъни соат 23.00 дан 06.00 га қадар ёки йилнинг совуқ даврида чиқариб юбориш, уларнинг қариндошлари кузатуви остида амалга оширилади. Тиббий ёрдам кўрсатиш пунктига олиб келинган мастлик ҳолатидаги шахсга чиқариб юбориш давомида баённомага ёки касаллик тарихига имзо қўйдирган ҳолда олиб қўйилган хужжатлар, пуллар ва бошқа буюмлари қайтариб берилади.	Мастлик ҳолатидаги шахс тўлиқ ўзига келганда

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ 4 ” ноябрдаги 644-сон қарорига
2-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман (шаҳар)
тиббиёт бирлашмалари таркибида мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам
кўрсатиш туманлараро пунктларининг
РЎЙХАТИ**

T/p	T/p	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
I. 2022 йилда ташкил этиладиган туманлараро пунктлар				
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	1.	Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси	Тахиатош тумани Хўжайли тумани	Хўжайли тумани, Т. Ибрагимов кўчаси, 24-уй
2.	2.	Нукус тумани тиббиёт бирлашмаси	Нукус тумани	Нукус тумани, Акмангит гузари кўчаси, 34-уй
3.	3.	Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — РИНИАТМ) Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий филиали	Нукус шаҳри	Нукус шаҳри, У. Бекманов кўчаси, 114-уй
4.	4.	Тўрткўл тумани тиббиёт бирлашмаси	Беруний тумани Тўрткўл тумани	Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 36-уй
5.	5.	Элликқалъа тумани тиббиёт бирлашмаси	Элликқалъа тумани	Элликқалъа тумани, Навоий кўчаси, рақамсиз уй
6.	6.	Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмаси	Мўйноқ тумани Қўнғирот тумани	Қўнғирот тумани, Олтинкўл маҳалласи
7.	7.	Қонликўл тумани тиббиёт бирлашмаси	Қонликўл тумани	Қонликўл тумани, А. Мусаев кўчаси, 14-уй
8.	8.	Шуманай тумани тиббиёт бирлашмаси	Шуманай тумани	Шуманай тумани, Мамий овул фуқаролар йиғини
9.	9.	Чимбой тумани тиббиёт бирлашмаси	Чимбой тумани	Чимбой тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 43-уй
10.	10.	Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмаси	Қораўзак тумани Тахтакўпир тумани	Қораўзак тумани, Бердах кўчаси, рақамсиз уй
11.	11.	Кегейли тумани тиббиёт бирлашмаси	Кегейли тумани Бўзатов тумани	Кегейли тумани, Дўстлик кўчаси, 3-уй
12.	12.	Амударё тумани тиббиёт бирлашмаси	Амударё тумани	Амударё тумани, Шифокорлар маҳалласи
Андижон вилояти				
13.	1.	РИНИАТМ Андижон вилояти ҳудудий филиали	Андижон шаҳри Андижон тумани Олтинкўл тумани	Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, 3-уй

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
14.	2.	Бўстон тумани тиббиёт бирлашмаси	Бўстон тумани Шаҳрихон тумани	Бўстон тумани, Улуғбек кўчаси, 1-уй
15.	3.	Асака тумани тиббиёт бирлашмаси	Асака тумани Марҳамат тумани	Асака тумани, Илғор қишлоғи
16.	4.	Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси	Балиқчи тумани Улуғнор тумани	Балиқчи туман, Чинобод қишлоғи
17.	5.	Пахтаобод тумани тиббиёт бирлашмаси	Пахтаобод тумани Избоскан тумани	Пахтаобод тумани, Келажак овози кўчаси, 1-уй
18.	6.	Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмаси	Қўрғонтепа тумани Хонобод шаҳри Қорасув шаҳри	Қўрғонтепа тумани, Мустақиллик кўчаси, 135-уй
19.	7.	Жалақудуқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Жалақудуқ тумани Хўжаобод тумани Булоқбоши тумани	Жалақудуқ тумани, Ўзбекистон кўчаси, 95-уй
Бухоро вилояти				
20.	1.	РИНИАТМ Бухоро вилояти ҳудудий филиали	Бухоро шаҳри	Бухоро шаҳри, Жўбор кўчаси, 65-уй
21.	2.	Қорақўл тумани тиббиёт бирлашмаси	Қорақўл тумани Олот тумани	Қорақўл тумани, Улуғбек кўчаси, 21-уй
22.	3.	Жондор тумани тиббиёт бирлашмаси	Жондор тумани	Жондор тумани, М. Таробий кўчаси, 157-уй
23.	4.	Ғиждувон тумани тиббиёт бирлашмаси	Ғиждувон тумани	Ғиждувон тумани, Улуғбек кўчаси, 100-уй
24.	5.	Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси	Вобкент тумани Шофиркон тумани	Вобкент тумани, Тадбиркор кўчаси, 35-уй
25.	6.	Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси	Ромитан тумани Пешкў тумани	Ромитан тумани, Шифокорлар кўчаси, 162-уй
26.	7.	Бухоро тумани тиббиёт бирлашмаси	Бухоро тумани	Бухоро тумани, Фитрат кўчаси, 17-уй
27.	8.	Когон шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Қоровулбозор тумани Когон тумани Когон шаҳри	Когон шаҳри, Олтинкўл кўчаси, 1-уй
Жиззах вилояти				
28.	1.	РИНИАТМ Жиззах вилояти ҳудудий филиали	Пахтакор тумани Арнасой тумани Дўстлик тумани Мирзачўл тумани	Пахтакор тумани, Дилором кўчаси, 2-уй
29.	2.	Зомин тумани тиббиёт бирлашмаси	Янгиобод тумани Зарбдор тумани Зомин тумани	Зомин тумани, Улуғбек кўчаси, 17-уй
30.	3.	Шароф Рашидов тумани тиббиёт бирлашмаси	Шароф Рашидов тумани Жиззах шаҳри Бахмал тумани Ғаллаорол тумани	Шароф Рашидов тумани, Уч тол кўчаси, 5-уй

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
31.	4.	Фориш тумани тиббиёт бирлашмаси	Фориш тумани Зафаробод тумани	Фориш тумани, Оқтепа маҳалласи
Қашқадарё вилояти				
32.	1.	РИНИАТМ Қашқадарё вилояти худудий филиали	Қарши шаҳри Қарши тумани Нишон тумани	Қарши шаҳри, Беш ёғоч кўчаси, 7/1-уй
33.	2.	Миришкор тумани тиббиёт бирлашмаси	Миришкор тумани	Янги Миришкор шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 35-уй
34.	3.	Китоб тумани тиббиёт бирлашмаси	Китоб тумани Шаҳрисабз шаҳри Шаҳрисабз тумани	Китоб тумани, Катта йўл кўчаси, 123-уй
35.	4.	Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмаси	Яккабоғ тумани	Яккабоғ тумани, Чўмич кўчаси, 2-уй
36.	5.	Ғузор тумани тиббиёт бирлашмаси	Ғузор тумани Қамаши тумани	Ғузор тумани, Ўзбекистон кўчаси, 87-уй
37.	6.	Дехқонобод тумани тиббиёт бирлашмаси	Дехқонобод тумани	Дехқонобод тумани, Гулистон кўчаси, 5-уй
38.	7.	Косон тумани тиббиёт бирлашмаси	Косон тумани Касби тумани	Косон тумани, Қуйиоброн кўчаси, 1-уй
39.	8.	Муборак тумани тиббиёт бирлашмаси	Муборак тумани	Муборак тумани, Истиклол маҳалласи
40.	9.	Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси	Чироқчи тумани Кўкдала тумани	Чироқчи тумани, Янги қурилиш кўчаси, 1-уй
Навоий вилояти				
41.	1.	РИНИАТМ Навоий вилояти худудий филиали	Навоий шаҳри Кармана тумани	Навоий шаҳри, Бинокор кўчаси, 5-уй
42.	2.	Зарафшон шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Зарафшон шаҳри Томди тумани	Зарафшон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 4-уй
43.	3.	Учкудук шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Учкудук шаҳри Учкудук туман	Учкудук туман, А. Темуралиев кўчаси, 2а-уй
44.	4.	Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмаси	Хатирчи тумани	Хатирчи туман, Мустақиллик маҳалласи
45.	5.	Нурота тумани тиббиёт бирлашмаси	Нурота тумани Ғозгон шаҳри	Нурота тумани, У. Юсупов кўчаси, 132-уй
46.	6.	Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси	Қизилтепа тумани	Қизилтепа тумани, Шифокорлар кўчаси, 1-уй
47.	7.	Навбахор тумани тиббиёт бирлашмаси	Навбахор тумани	Навбахор тумани, Арабхона маҳалласи
48.	8.	Конимех тумани тиббиёт бирлашмаси	Конимех тумани	Конимех тумани, Истиклол кўчаси, 4-уй
Наманган вилояти				

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
49.	1.	РИНИАТМ Наманган вилояти ҳудудий филиали	Наманган шаҳри Давлатобод тумани Янги Наманган тумани	Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 70-уй
50.	2.	Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси	Тўрақўрғон тумани	Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 6-уй
51.	3.	Наманган тумани тиббиёт бирлашмаси	Наманган тумани	Наманган тумани, Нурафшон кўчаси, 46-уй
52.	4.	Янгиқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси	Янгиқўрғон тумани Чортоқ тумани	Янгиқўрғон тумани, А. Қўчқоров кўчаси, 173-уй
53.	5.	Косонсой тумани тиббиёт бирлашмаси	Косонсой тумани	Косонсой шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 74-уй
54.	6.	Норин тумани тиббиёт бирлашмаси	Норин тумани	Хаққулобод шаҳри, Беруний кўчаси, 21-уй
55.	7.	Учқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси	Учқўрғон тумани Уйчи тумани	Учқўрғон шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 3-уй
56.	8.	Поп тумани тиббиёт бирлашмаси	Поп тумани Чуст тумани	Поп шаҳарчаси, Пахтакор кўчаси, 3-уй
57.	9.	Мингбулоқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Мингбулоқ тумани	Жомашуй шаҳарчаси, Э. Ўрмонов кўчаси, 24-уй
Самарқанд вилояти				
58.	1.	РИНИАТМ Самарқанд вилояти ҳудудий филиали	Самарқанд шаҳри Жомбой тумани Пастдарғом тумани	Жомбой тумани, Ш. Бурхонов кўчаси, 1-уй
59.	2.	Булунғур тумани тиббиёт бирлашмаси	Булунғур тумани	Булунғур шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй
60.	3.	Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Самарқанд тумани Тайлоқ тумани	Тайлоқ тумани, Ибн Сино кўчаси, 7-уй
61.	4.	Ургут тумани тиббиёт бирлашмаси	Ургут тумани	Ургут шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 99-уй
62.	5.	Пайариқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Пайариқ тумани	Пайариқ тумани, Пайариқ маҳалласи
63.	6.	Иштихон тумани тиббиёт бирлашмаси	Иштихон тумани Оқдарё тумани	Иштихон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 12-уй
64.	7.	Қўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси	Қўшработ тумани	Қўшработ тумани, Ғ. Ғулом кўчаси, 59-уй
65.	8.	Каттақўрғон шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Каттақўрғон шаҳри Каттақўрғон тумани Нарпай тумани	Каттақўрғон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 149-уй
66.	9.	Пахтачи тумани тиббиёт бирлашмаси	Пахтачи тумани	Пахтачи тумани, Бўстон маҳалласи
67.	10.	Нуробод тумани тиббиёт бирлашмаси	Нуробод тумани	Нуробод шаҳри, Янгиқишлоқ кўчаси, 1-уй

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
Сурхондарё вилояти				
68.	1.	РИНИАТМ Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали	Термиз шаҳри Термиз тумани Жарқўрғон тумани	Термиз шаҳри, Учқун кўчаси, 5-уй
69.	2.	Денов тумани тиббиёт бирлашмаси	Денов тумани Денов шаҳри	Денов тумани, Шароф Рашидов маҳалласи
70.	3.	Сариосиё тумани тиббиёт бирлашмаси	Сариосиё тумани Узун тумани	Сариосиё тумани, Афросиёб кўчаси, 37-уй
71.	4.	Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмаси	Шўрчи тумани Олтинсой тумани	Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси, 68-уй
72.	5.	Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси	Қумқўрғон тумани	Қумқўрғон тумани, Охунбобоев кўчаси, 15-уй
73.	6.	Қизириқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Бандихон тумани Қизириқ тумани	Қизириқ тумани, Ибн Сино кўчаси, 1-уй
74.	7.	Шеробод тумани тиббиёт бирлашмаси	Ангор тумани Шеробод тумани	Шеробод тумани, Галагузар маҳалласи
75.	8.	Бойсун тумани тиббиёт бирлашмаси	Бойсун тумани	Бойсун тумани, Истиклол кўчаси, 33-уй
76.	9.	Музработ тумани тиббиёт бирлашмаси	Музработ тумани	Музработ тумани, Амир Темур кўчаси, 3-уй
Сирдарё вилояти				
77.	1.	РИНИАТМ Сирдарё вилояти ҳудудий филиали	Гулистон шаҳри Мирзаобод тумани	Гулистон шаҳри, Ибн-Сино кўчаси, 20-уй
78.	2.	Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси	Гулистон тумани	Гулистон тумани, Ибрат кўчаси, 24-уй
79.	3.	Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси	Сайхунобод тумани Сирдарё тумани	Сирдарё тумани, Лочин кўчаси, 16-уй
80.	4.	Сардоба тумани тиббиёт бирлашмаси	Оқолтин тумани Сардоба тумани	Сардоба тумани, Роҳат кўчаси, 15-уй
81.	5.	Боёвут тумани тиббиёт бирлашмаси	Ширин шаҳри Боёвут тумани	Боёвут тумани, Сайилбоғ кўчаси, 4/1-уй
82.	6.	Янгиер шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Ховос тумани Янгиер шаҳри	Янгиер шаҳри, Беруний кўчаси, 8-уй
Тошкент вилояти				
83.	1.	РИНИАТМ Тошкент вилояти ҳудудий филиали	Ангрен шаҳри Охангарон тумани	Ангрен шаҳри, Обод турмуш кўчаси, 20-уй
84.	2.	Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси	Бекобод тумани Бекобод шаҳри	Бекобод тумани, Ибн Сино кўчаси, 2-уй
85.	3.	Бўка тумани тиббиёт бирлашмаси	Бўка тумани Оққўрғон тумани	Бўка тумани, А. Икрамов кўчаси, 2-уй

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
86.	4.	Олмалиқ шаҳар тиббиёт бирлашмаси	Олмалиқ шаҳри Оҳангарон шаҳри	Олмалиқ шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 51-уй
87.	5.	Нурафшон шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Нурафшон шаҳри Пискент тумани Ўрта Чирчиқ тумани	Нурафшон шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 22-уй
88.	6.	Чирчиқ шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Чирчиқ шаҳри Бўстонлик тумани Қибрай тумани	Чирчиқ шаҳри, 8-микрорайон
89.	7.	Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси	Паркент тумани Юқоричирчиқ тумани	Паркент шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси
90.	8.	Янгийўл шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Янгийўл шаҳри Қуйичирчиқ тумани Янгийўл тумани Чиноз тумани	Янгийўл шаҳри, Тошкент шоҳ кўчаси, 2-уй
91.	9.	Тошкент тумани тиббиёт бирлашмаси	Зангиота тумани Тошкент тумани	Тошкент тумани, Равнақ кўчаси, 2-уй
Фарғона вилояти				
92.	1.	РИНИАТМ Фарғона вилояти ҳудудий филиали	Фарғона шаҳри Қувасой шаҳри	Фарғона шаҳри, Янги замон кўчаси, 61-уй
93.	2.	Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси	Фарғона тумани	Фарғона тумани, Қувонч кўчаси, 96-уй
94.	3.	Боғдод тумани тиббиёт бирлашмаси	Риштон тумани Боғдод тумани	Боғдод шаҳарчаси, Бирдамлик кўчаси, 12-уй
95.	4.	Сўх тумани тиббиёт бирлашмаси	Сўх тумани	Сўх тумани, Мустақиллик кўчаси
96.	5.	Фарғона вилояти Қўқон шаҳри 2-сонли наркология диспансери	Қўқон шаҳри Учқўприк тумани Бувайда тумани	Қўқон шаҳри, Бурчлик кўчаси, 5-уй
97.	6.	Данғара тумани тиббиёт бирлашмаси	Данғара тумани	Данғара тумани, Истиқлол кўчаси, 43-уй
98.	7.	Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси	Ўзбекистон тумани Фурқат тумани	Ўзбекистон тумани, Ғалаба кўчаси, 45-уй
99.	8.	Бешариқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Бешариқ тумани	Бешариқ шаҳри, Сирдарё кўчаси, 76-уй
100.	9.	Марғилон шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Марғилон шаҳри Қўштепа тумани	Марғилон шаҳри, Хиёбон кўчаси, 122-уй
101.	10.	Ёзёвон тумани тиббиёт бирлашмаси	Ёзёвон тумани	Ёзёвон тумани, А. Навоий кўчаси, 17-уй
102.	11.	Олтиариқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Олтиариқ тумани	Олтиариқ тумани, Ўзбекистон кўчаси, 3-уй
103.	12.	Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Тошлоқ тумани Қува тумани	Тошлоқ шаҳарчаси, Навоий кўчаси, 20-уй

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
Хоразм вилояти				
104.	1.	РИНИАТМ Хоразм вилояти худудий филиали	Хива шаҳри Хива тумани	Хива тумани, Шомахулум маҳалласи
105.	2.	Урганч шаҳри тиббиёт бирлашмаси	Урганч шаҳри Урганч тумани	Урганч шаҳри, Ю. Бабажанов кўчаси, 2/1-уй
106.	3.	Қўшқўпир тумани тиббиёт бирлашмаси	Қўшқўпир тумани Шовот тумани	Қўшқўпир тумани, Мустақиллик кўчаси, 69-уй
107.	4.	Янгибозор тумани тиббиёт бирлашмаси	Янгибозор тумани Гурлан тумани	Янгибозор тумани, Х. Каримов кўчаси, 64-уй
108.	5.	Ҳазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси	Ҳазорасп тумани Тупроққалъа тумани	Ҳазорасп тумани, Ғ. Ғуллом кўчаси, 3-уй
109.	6.	Хонқа тумани тиббиёт бирлашмаси	Хонқа тумани Янгиариқ тумани	Хонқа тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, 70-уй
110.	7.	Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси	Боғот тумани	Боғот тумани, Тошкент кўчаси, 2-уй
Тошкент шаҳар				
111.	1.	Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази	Тошкент шаҳри	Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уй
112.	2.	4-сонли шаҳар клиник шифохонаси	Тошкент шаҳри	Яшнобод тумани, Бирлашган кўчаси, 1-уй
113.	3.	7-сонли шаҳар клиник шифохонаси	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, Ғайратий кўчаси, 23-уй
114.	4.	Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси	Тошкент шаҳри	Шайхонтохур тумани, Кўкча Дарвоза кўчаси, 40-уй
II. 2023-2024 йилларда ташкил этиладиган туманлараро пунктлар				
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	1.	Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Мўйноқ тумани, Жалимбетов кўчаси, 1-уй	
2.	2.	Тахтақўпир тумани тиббиёт бирлашмаси	Тахтақўпир тумани, Бескала кўчаси, рақамсиз уй	
Андижон вилояти				
3.	1.	Шаҳрихон тумани тиббиёт бирлашмаси	Шаҳрихон шаҳри, Р. Ёдгоров кўчаси, 105-уй	
Бухоро вилояти				
4.	1.	Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси	Шофиркон тумани, Наврўз кўчаси, 112-уй	
Қашқадарё вилояти				
5.	1.	Қамаши тумани тиббиёт бирлашмаси	Қамаши тумани, Фаровон кўчаси, 25-уй	
6.	2.	Нишон тумани тиббиёт бирлашмаси	Янги Нишон шаҳарчаси, А. Темур кўчаси	
Наманган вилояти				
7.	1.	Чуст тумани тиббиёт бирлашмаси	Чуст тумани, Сабзор маҳалласи	
Самарқанд вилояти				
8.	1.	Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси	Пастдарғом тумани, Беруний кўчаси, 20-уй	

Т/р	Т/р	Туманлараро пунктлар	Туманлараро пунктларга бириктирилган туман ва шаҳарлар	Туманлараро пунктларнинг манзили
Сурхондарё вилояти				
9.	1.	Жарқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси	Жарқўрғон тумани, Шифокорлар кўчаси, 1-уй	
10.	2.	Ангор тумани тиббиёт бирлашмаси	Ангор тумани, Шифокорлар кўчаси, 14-уй	
11.	3.	Олтинсой тумани тиббиёт бирлашмаси	Олтинсой тумани, Бўстон кўчаси, 5-уй	
Сирдарё вилояти				
12.	1.	Сайхунобод тумани тиббиёт бирлашмаси	Сайхунобод тумани, Шифокорлар кўчаси, 3-уй	
Тошкент вилояти				
13.	1.	Ўртачирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Ўртачирчиқ тумани, Нилуфар кўчаси, 2-уй	
14.	2.	Бўстонлиқ тумани тиббиёт бирлашмаси	Ғазалкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 12-уй	
15.	3.	Зангиота тумани тиббиёт бирлашмаси	Зангиота тумани, Марказий шоҳ кўчаси, рақамсиз уй	
Фарғона вилояти				
16.	1.	Риштон тумани тиббиёт бирлашмаси	Риштон тумани, А. Рошидоний кўчаси, 107-уй	
17.	2.	Қува тумани тиббиёт бирлашмаси	Қува тумани, Етакчилар кўчаси	
18.	3.	Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси	Учкўприк тумани, Соғлом авлод кўчаси	
Хоразм вилояти				
19.	1.	Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси	Урганч тумани, Ибн Сино кўчаси, 12-уй	
20.	2.	Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмаси	Тупроққалъа тумани, Хоразм кўчаси, 1а-уй	

